

ЧИНГИЗХОН ДАВЛАТИДА ҲАРБИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

Қахрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий

ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада Чингизхон томонидан ташкил этилган империянинг вужудга келишига асос бўлган воқеалар, хусусан ҳарбий ислохотлар, қўшинни ташкил этиш қоидалари, ҳарбий ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, Чингизхоннинг қўшни давлатлар, жумладан Хоразмшоҳ Муҳаммад билан савдо, дипломатик алоқалари ҳақида фикр юритилган. Мавзуга оид илмий мақолалар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Хоразмшоҳ Муҳаммад, Чингизхон, Маҳмуд Ялович, Қурултой Ясо, Хоразм, Хитой, савдо, элчи

Инсоният тарихида учмас из қолдирган шахслардан бири Чингизхон тахминан 1162 йилда Онон дарёси бўйидаги Делюн-Болдок водийсида туғилган. Унинг асли исми Темучин бўлиб, отаси Ясугай мўғулларнинг боржигин, онаси Ўлун эса олхонут уруғидан бўлгани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Манбаларда қайд этилишича у ёшлигидан қатъиятли, қўрқмас, ҳар доим вазиятдан чиқиш йўлини топадиган уддабурон бўлган. 1204 йилдан аввал муғил қабила уруғларини, кейин қўшни кeroитлар, татарлар, уйғурлар ва бошқа қабилаларни бирлаштириб, 1205 йилда бутун Мўғулистон ҳудудининг ягона ҳукмдорига айланади. Чингизхон 1206 йилда қабул қилинган Ясо қонунларида белгиланган ҳарбий тартиб асосида яқин ва узоқ давлатларга ҳарбий ҳаракатлар олиб борди ва босиб олинган ҳудудларни ҳам Ясо қонунлари нормалари асосида бошқарди.

Маълумки, қонунга асосан қаттиқ тартиб ўрнатилган. Ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида армия ислоҳ қилинган. Қўшин, ўнлик, юзлик, минглик, ўн минглик (туман) деб номланган қисмларга бўлинган. Ушбу бўлималарга

ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туманбошилар рахбарик қилган. Қўшин бошлиқларини танлашга, қариндошлик, зодогонлик эмас балки, жангаларда кўрсатилган жасорат, шахсий садоқатга эътибор қаратилган. Аммо ўн минлик қўшинга ўзининг яқинлари, асосан шахзодалар қўмондонлик қилган. Туманбоши ўн минг жангчининг қўмондони бўлиш билан бирга ушбу ҳудуднинг мутлақ ҳокими ҳисобланган. Мазкур тумандаги барча ишлар хусусан, судлов, жиноий, фуқаролик ишлари унинг тасарруфида бўлган.

Шунингдек, Чингизхон ўзининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки қисмдан иборат турғауд – кундузги ва кебтеул – тунги қўриқчилик қисмини (70-80 кишидан иборат) ташкил қилган. Умуман олганда, сара жагнчилардан мунтазам армия ташкил қилинган. Чингизхоннинг ҳарбий ислохотидан унинг асосий мақсади қўшни давлатларга ҳарбий юришлар қилиб мамлакат сарҳадларини кенгайтириш эканлигини ангалаш қийин эмас. Шунингдек, асосий қўшиндан ташқари, ҳарбий зодагонлардан тузилган махсус гвардия “Кешик” деб номланган қўшин ҳам ташкил этилган. Бу қўшин фақат фавқулодда содир бўлаган хавф-хатарга қарши ташланган.

Қўшин каттиқ асосида бошқарилган. Мисол учун, ўнлик қўшинидан бирортаси жангдан қочса, кўрқоқлик қилса унга қўшиб қолган тўққизтаси ҳам қатл қилинган. Шунингдек, юзлик, минглик ва туман деб номланган қўшинидан бирортаси жангдан қочса қолганлари ҳам қатил этилиши белгилаб қўйилган.

Чингизхон қўшини асосан отлик аскарлардан иборат бўлган. Ҳар бир жангчи камон, арқон, болта, қилич, найза каби қуроолларни ўзи билан олиб юрган. Жангчиларнинг боши, бўйни, кўкраги баъзан оёқлари ҳам теридан тикилган ёки мисдан тайёрланган совут билан қопланган. Отлар ҳам теридан тикилган ҳимоя воситаси билан қопланган. Отлик аскарлар кунига 80 км гача, оғир қурооллар билан қурооллаган отлик аскарлар эса 10 км гача юрган.

Чингизхон минг оиладан иборат “Минглик” (гарчи минглик деб номланган бўлсада, баъзан айрим бундай ҳудудий бирликлар бир нечта минг хонадондан иборат бўлган) деб номланган ҳудудий бирликлар ташкил этиб ушбу ҳудудларга жангларга садоқат билан хизмат қилган ҳарбийлар бошлиқ этиб тайинлаган.

Мингликлар асосан ҳарбий мақсадда ташкил этилган бўлиб, улар ўз навбатида, ғарбий ўнг қанот, шарқий сўл қанот, марказ ва тоғликлардан иборат 4 қисмга бўлинган. Мингликлар, юзликка, юзликлар ўнликка бўлиб бошқарилган. Қўшин доимий равишда жанговар ҳолатда ушлаб турилган. Ҳарбий ҳолат эълон қилиниши билан яхши қуролланган, қаттиқ интизомга асосланган, уюшган қўшин жанговар ўнлик, юзлик, минглик, ўн минг жангчилар тезда шай ҳолатга келиб мунтазам қўшинга айланган.

Тарихдан маълумки, кучли ва тартибли армияга эга бўлган Чингизхон 1207 йилда шимолий ҳудудларни, 1207-1208 йилларда Енисой дарёси ҳавзасини, 1211-1215 йилларда Хитойни эгаллаган. Айниқса Син сулоласининг қулатилиши ва унинг натижасида эришилган йирик ўлжа ва бойлик, замонавий жанг асбоблари ва ускуналар Чингизхон қўшинини янги юришларга илҳомлантирди. Мўғуллар давлати қисқа муддат ичида Хоразмшоҳлар давлатига чегарадош мамлакатга айланди.

Айни шу вақтда Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ҳам қўшни давлатларга ҳарбий юришлар қилиб, Озарбайжон, Эрон, Курдистон, Ироқ ерларини эгаллаган 400 мингга яқин қудратли армияга эга эди.

Манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, гарчи Хитой, Россия каби йирик давлатларга хужум қилиб, уларни ўзига бўйсундирган бўлса-да, қўшни ва узок давлатларга айғоқчилик тизимини яхши йўлга қўйган Чингизхон ўша даврда қудратли Хоразм давлатига ҳарбий юриш қилишдан ўзини тийганидан Хоразм давлатининг имкониятлари ҳақида яхши хабардор бўлганини тахмин қилиш мумкин. Шу сабабли дастлаб Хорамга ҳарбий юриш қилиб мазкур ҳудудларни ўзининг салтанатига қўшиб олишдан кўра, ушбу давлат билан тинч савдо алоқаларини йўлга қўйишни афзал билган. Бунга икки давлат ўртасида йўлга қўйилган савдо ва элчилик муносабатларини асос қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо бу Чингизхоннинг вақтинчалик режаси бўлиб, қулай фурсат бўлиши билан ҳарбий юриш қилиб, Хоразмшоҳлар давлатини ҳам бўйсундириш режаси бўлганини эҳтимолдан йироқ деб бўлмайди. Тинч, савдо алоқаларидан мақсад аввал нисбатан кучсиз давлатларни буйсундириш, ҳарбий ва иқтисодий имкониятни

яхшилаш ва ҳужум учун қулай вазиятни кутиш бўлганини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, ўзининг “дўст”лигини кўрсатиб Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг тусатдан ҳужум қилиб қолишини олдини олишни мақсад қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки бу даврда Хоразмшоҳлар давлати ҳарбий жиҳатдан мўғил давлатидан кучлироқ ва бундан Чингизхон хабардор эди.

Маълумки, дастлаб Хоразмшоҳ Муҳаммад ва Чингизхон давлатлари ўртасида элчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Мисол учун, 1216 йил Хоразмшоҳ ўз элчиларини Чингизхон ҳузурига юборган. Икки давлат ўртасида савдо ва элчилик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, 1218 йилда Хоразмшоҳ томонидан юборилган навбатдаги элчиларга жавоб тариқасида Чингизхон шу йилнинг ўзида Хоразмга 500 туя ва 450 савдогарлардан иборат навбатдаги савдо карвонини юборгани маълум. Ушбу савдо карвони Ўтрор ҳокими Иналхон томонидан талон-торож қилиниб, савдогарлар қатл этилган ҳолатда ҳам қаттиққўл, бешафқат, енгилмас саркарда ва қудратли аримияга эга бўлган Чингизхон ўзини босиб Хоразмшоҳ Муҳаммадга яна элчи юбориб, айбдорларни жазолашни ва Ўтрор ҳокимини унга топшириш таклифини билдиради.

Шу ўринда қайд этиш лозим-ки, мўғуллар элчиларнинг дахлсизлигига қатик эътибор беришган. Ясо қонунларида элчилик муносабатларини тартибга солиш борасида нормалар белгиланган. Чингизхон нафақат Хоразмдан борган элчи ва савдо карвонларига, бошқа давлатлардан келган элчи ва савдогарларга яхши муносабатда бўлгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Хусусан, 1216 йилда Чингизхон Хоразмшоҳ Муҳаммад элчи қилиб юборган Баҳовиддин Розийни иззат-икром, ҳурмат билан кутиб олади. Элчилар Хоразмга қайтаётганда, мўғул ҳокони султон Аловиддин учун ноёб совға-саломлар бериб, элчига “мен – Машрик ҳукмдори, сен –Мағрибнинг ҳукмдори. Кел, орамизда дўстлик ва тинчлик ҳақида қатъий аҳднома бўлсин! Иккала давлатнинг савдогарлари борди-келди қилишсин. Менинг ерларимдаги ноёб ва оддий мол-

буюмлар сен томонга, сенинг молларинг мен томонга келиб турсин”¹, деб ёзилган мактубни бериб юборгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, Чингизхон Хоразмга асли хоразмлик бўлган мўғуллар тарафига ўтиб кетган Маҳмуд Ялович бошчилигида катта савдо карвони юборгани ҳам тарихдан маълум. Тарихчи Шаҳобиддин Ан-Насавийнинг берган маълумотларга қараганда, Чингизхон Хоразмшоҳ Муҳаммад учун туркий одатга кўра, туя ўркачи баробар келадиган куйма олтин юборган. Бундан ташқари савдо карвонида қимматбаҳо тошлар, қоп-қоп мушк (хушбўй моддалар), ёқут ва тарку деб аталадиган оқ туя юнгидан тўқилган кийимлар бўлган. Султон Аловиддин Чингизхон юборган элчиларни 1218 йилнинг баҳорида қабул қилади. Шунда элчилар Хоразмшоҳга мўғул хоқонининг мактубини топширадилар. Бу хатни Бош вазир Низом Ул-Мулк элчиларни қабул қилиш маросимида ўқиб эшиттиради. Чингизхон йўллаган номада шундай дейилган эди.

“Сенга ўз саломимни йўллаيمان. Мен сенинг мамлакатингни кенглигини ва қудратини яхши биламан. Сен кўплаб халқлар устидан ҳукмронлик қиласан, шунинг учун сен билан тинчликда яшашни истардим. Мен сени ўзимнинг энг суюкли ўғлим, деб ҳисоблагучиман. Менинг Хитойни забт этганим ва ундан шимолда яшовчи ҳамма халқларни бўйсундирганим сенга маълум. Шунинг билгинки, менинг салтанатим чумоли уясидек жангчилар уяси ҳамда кумуш кондир ва менда бировнинг мулкига эгалик қилиш эҳтиёжи йўқ. Ўйлайманки, фуқароларимизнинг савдо муносабатларини ривожлантиришдан иккимиз ҳам манфаатдор бўламиз”².

Шунда Хоразмшоҳ Муҳаммад Маҳмуд Яловичдан Чингизхоннинг Хитойга ҳарбий юришлари ҳақида сўраб, унга қимматбаҳо дур бергани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу билан Хоразмшоҳ Муҳаммад Маҳмуд Яловични хоразмлик бўлгани учун уни Чингизхон ҳузуридаги ўзининг айғоқчисига айлантирмоқчи бўлган. У Яловичдан Чингизхон лашкари ва давлати ҳақида бор

¹ Хоразмшоҳлар давлатининг қулаши ёхуд Чингизхон дипломатик ҳийласи (1-қисм)

² Хоразмшоҳлар давлатининг қулаши ёхуд Чингизхон дипломатик ҳийласи (1-қисм)

маълумотларни айтишини талаб қилади. Аммо тарихий манбаларда Маҳмуд Ялович Хоразмшоҳ Муҳаммад билан бўлган воқеани, хусусан уни ўзининг айғоқчиси бўлишга таклиф қилгани тўғрисида Чингизхонга етказгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Шундан сўнг Чингизхон Хоразмга катта савдо карвонини жўнатгани ва у билан боғлиқ воқеа, умуман олганда, Чингизхон босиб олган ҳудудларни вайрон қилгани, бойликларини талан-торож қилгани, халқнинг катта қисмини йўқ қилгани, хусусан, Хоразмшоҳ Муҳаммад билан ўзрао низолар натижасида унинг ҳудудини босиб олгандан сўнг аҳолининг катта қисмини қирғин қилгани, тарихий обидаларини вайрон қилиб, олим ва уламоларни қатил қилгани тарихдан маълум.

Л.Н.Гумилевнинг қайд этишича қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам элчиларни ўлдириш жиноят сифатида тан олинмаган³. Мўғул элчиларининг ўлдирилишига жавоб тариқасида уларнинг қотиллари ва ҳатто шаҳарлари вайрон қилинган. Уларнинг фикрига кўра, бундай жиноят учун биргаликда жавобгар бўлиши керак. П.Карпинининг қайд этишича, мўғуллар ўз элчиларини ўлдирганлар билан ҳеч қачон тинчлик ўрнатмаган⁴.

Хоразмшоҳ Муҳаммад элчи ва унинг кузатувчиларини муносиб қабул қилиш, ҳурмат кўрсатиш, элчилик қоидаларига риоя қилиш ўрнига навбатдаги элчини ҳам қатл этиб, у билан бирга келган кузатувчиларни шармандали ҳолатда қайтариб юбориб катта хатоликка йўл қўйгани тарихдан маълум. Бу ҳолатдан сўнг Чингизхон Хоразм давлатини эгаллаш ва айбдорларни жазолашга каттик тайёргарлик кўрганини ҳам тахмин қилиш қийин эмас.

Айғоқчилик тизимини яхши йўлга қўйган Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий имкониятлари, географик жойлашуви, устун ва заиф томонлари, айниқса ички низолар ҳақида хабардор эди. Чингизхон вазиятни батафсил таҳлил қилиб, шу йилнинг ўзида Қурултой ўтказиб ҳарбий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади.

³ Он же. Древняя Русь и Великая степь, с. 306.

⁴ Путешествия в восточные страны Г. де Рубрука и П. Карпини. Алматы. 1993, с. 71.

“Мўғуллар кучайиб бораётган бир пайтда Хоразмшоҳлар давлатида ички зиддиятлар янада кучайиб бораётган эди. Иккинчи ҳокимият ҳисобланган Хоразмшоҳ онаси Туркон хотун ўз мавқеини кўтаришга янада ҳаракат қилаётганди. У ҳаттоки, айрим масалаларни ҳал этишда биринчи бўлган, султоннинг баъзи буйруқ ва фармонларини инкор этган, ўз номидан фармонлар чиқариб, истаган масалаларини ҳал қилиш қудратига эга бўлган. Шоҳ эса ҳеч вақт унга эътироз билдира олмаган, чунки бир томондан она ҳурмати бўлса, иккинчи томондан Туркон хотуннинг тарафдорлари, унинг уруғидан чиққан қипчоқ амирлари кўпчиликни ташкил қиларди. Замондошларининг таърифича, бу аёл – Жаҳон ҳокимаси деб ном олган. У ўзининг туғроси (муҳри)га ҳам эга эди.

Туркон хотун ҳатто, молия масалаларига ҳам фаол аралашиб, буйруқлар бера олган. Шунингдек, тахт меросхўрини ҳам ўзи белгилаган. Туркон хотуннинг талаби ва маслаҳати билан ҳукмдор тахт вориси қилиб ўта қобилиятли, ўтюррак, моҳир саркарда, Султон Муҳаммаднинг туркман хотини Ойчечакдан туғилган катта ўғил Жалолиддин эмас, балки қипчоқ хотинидан туғилган Ўзлокшоҳ тайинланди. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, давлатни ичдан ички зиддиятларни кучайтиришга, инқирозни тезлашишига ҳам сабаб бўлган эди”⁵. Қипчоқ маликасининг кўлидаги муҳрда “Умидин фақат Аллоҳдан” деган ёзув бўлиб, бу муҳр, ҳатто Хоразмшоҳ Муҳаммад муҳридан қудратли бўлган. Туркон Хотун чет эллик элчиларни шахсан ўзи қабул қилиб, мамлакатнинг дипломатик муносабатларни ҳал этар эди”, деган маълумотлар учрайди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад қипчоқлардан бўлган қатор лашкарбошиларга ишонмас, тахтга кўз тиккан онаси Туркон хотун ва унинг саройига тикиштирилган қариндошлари билан чиқишмас, дин пешволарини ўз ҳаракатлари туфайли қаттиқ ранжитган эди. Халқ кўзғолонларини (1210 й Самарқанд кўзғолони) шафқастизлик билан бостиргани, солиқлар зулми, турмуш даражасининг пастлиги уни оддий халқдан жуда узоқлаштирганди⁶.

⁵ Ульжаева Ш. Чингизхон (Темучин) бошлиқ мўғул давлатининг ташкил топиши. чингизхон ва хоразмшоҳ муносабатлари.

⁶ <http://khorezm.uz/uz/pages/view/293>

Хоразмшоҳ Муҳаммад ва Чингизхон ўртасидаги низолар ва унинг оқибатлари тарихдан маълум.

“Чингизхон ўзининг йигирма йилдан кўпроқ, яъни 1206 йилда 1227 йилга қадар ҳукмронлиги даврида ер шарининг деярли 31 млн квадрат километр майдонни босиб олди ва тарихда қисқа муддатда энг катта ҳудудни эгаллаган ҳукмдор ҳисобланади. Чингизхон кўпинча бошқа давлатларга мўғуллар ҳукмронлигига тинч йўл билан бўйсунтириш имкониятини берган. Кўплаб империялар яратувчиларидан фарқли ўлароқ, Чингизхон фатҳ қилинган ҳудудлардаги маданий ва диний хилма-хилликка яхши муносабатда эди. У ҳамма учун диний эркинлик тўғрисида қонунлар қабул қилди ва ҳатто турли динларнинг маросим жойлари учун солиқ имтиёзларини тақдим этди. Бу бағрикенглик сиёсий асосга эга эди. Хон бахтли одамлар кўзғолонларга камроқ мойиллигини ва мўғулларнинг ўзлари динга жуда эркин муносабатда бўлишларини биларди. Чингизхон даврида почта пайдо бўлди, бу тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам тизимни логистика ва мувофиқлаштиришга катта ёрдам берди. Халқлар бирлашиши кераклигини англаган император бошқа цивилизациялардан технологиялар ва маданиятларни қабул қилди⁷.

Мўғулларнинг камон ва отлар билан бир қаторда энг кучли қуроли уларнинг кенг коммуникация тармоғи эди. Чингизхоннинг дастлабки фармонларидан бири “Ям” деб номланувчи уюшган курьерлик хизматини ташкил қилиш ҳақида эди. Ушбу ўрта аср етказиб бериш хизмати империя бўйлаб жойлашган почта уйлари ва йўл бекатларининг яхши ташкил этилган тармоғидан иборат эди. Тахминан ҳар 10 километрда дам олиш ёки отларни бошқасида алмаштириш мақсадида ташкил этилган. Етказиб бериш хизмати кунига 300 километргача масофани босиб ўтишлари мумкин эди.

Тизим товарлар ва маълумотлар билан тўсиқсиз саёҳат қилишга имкон берарди. Шунингдек хоннинг “Кўзлари ва қулоқлари” сифатида ишларди. Ям туфайли у ҳарбий ва сиёсий воқеалардан осонгина хабардор бўлиб, ўзининг кенг

⁷ Сильвен Гугенхейм. Империи Средневековья: от Каролингов до Чингизидов = Sylvain Gouguenheim. Les empires médiévaux / пер. Алексей Изосимов. — М.: Альпина нон-фикшн, 2021. — 508 с

жосуслари ва разведка агентлари тармоғи билан алоқани сақлаб туриши мумкин эди. Шунингдек Ям чет эллик меҳмонлар ва савдогарларни саёҳатлари давомида ҳимоя қилишга ёрдам берган”⁸.

Аммо тарихдаги бошқа сулолалар, хонликлар, қиролликлар каби Чингизхон ташкил этган йирик империя таназзулга учраган. И.Бичуриннинг қайд этишича, Чингизхон империясининг пасайиши тахминан 1220 йилларнинг иккинчи ярмида бошланди. У 1227 йилда Тангут қироллиги пойтахти деворлари остида вафот этган. Вафотининг аниқ сабаби номаълум, аммо бир нечта тахминлар мавжуд: 1) илгари отдан йиқилиши оқибатлари туфайли вафот этган; 2) касаллик туфайли вафот этган бўлиши мумкин; 3) мағлуб бўлган тангутларнинг фитнаси натижасида вафот этган бўлиши мумкин⁹.

Умуман олганда бошқарувда Ясо қонунларига асосланган Чингизхон Марказий Осиё, Россия, Европа, Хитой, Эрон ва Ҳиндистон каби йирик давлатларни бирлаштирди. Шунингдек, Чингизхоннинг асосий давлат ва ҳарбий масалларини Қурилтойда уруғ ва қабила оқсоқллари билан кенгашиб ҳал қилгани ҳам маълум маънода унинг давлат бошқарувидаги ҳамда ҳарбий юриларида муваффақиятини таъминлашга шунингдек, ҳарбий бошлиқларни тайинлашда имтиёзлар туғилиш ҳуқуқи билан эмас, балки хизматларига асослангани ҳам унинг муваффақиятини таъминлашга ўзига хос ўринга эга бўлган десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хоразмшоҳлар давлатининг қулаши ёхуд Чингизхон дипломатик ҳийласи (1-қисм)
2. Он же. Древняя Русь и Великая степь, с. 306.
3. Путешествия в восточные страны Г. де Рубрука и П. Карпини. Алматы. 1993, с. 71.

⁸ <https://tavorix.islamonline.uz/site/item/1262>

⁹ Бичурин И. История первых четырёх ханов из дома Чингисова. // История монголов. — М., 2008

4. Ульжаева Ш. Чингизхон (Темучин) бошлиқ мўғул давлатининг ташкил топиши. чингизхон ва хоразмшоҳ муносабатлари.

5. <http://khorezmiy.uz/uz/pages/view/293>

6. Сильвен Гугенхейм. Империи Средневековья: от Каролингов до Чингизидов = Sylvain Gouguenheim. Les empires médiévaux / пер. Алексей Изосимов. — М.: Альпина нон-фикшн, 2021. — 508 с

7. <https://tavorix.islamonline.uz/site/item/1262>

8. Бичурин И. История первых четырёх ханов из дома Чингисова. // История монголов. — М., 2008